O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQALPOG`ISTON
RESPUBLIKASI TO'RTKO'L
TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

O'ZBEKISTAN RESPUBLIKASI
QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI TO'RTKUL
RAYONI HA`KIMININ'
S H E' S H I M I

231200. Qoraqalpog'iston Respublikasi. To'rtko'l tumani. To'rtko'l ko'chasi 53-uy
Tel: 532-20-75, 532-20-47, 532-20-37. Faks: 532-30-40

2018 йил " 13 " октябрь № 1418 Тўрткўл тумани

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон қарорини ижро этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларида рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 5 декабрь кунги 965-сонли қарорига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2019 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва хўжаликлар учун ишчиларнинг рўйхати бўйича ўртача сонининг 150 кишини ташкил қиладиган 10 фоизи миқдорида, шу ҳисобдан:

а) ёлғиз ота, оналар ҳамда ёшгача ва ногирон ногирон болалар учун 28,7 фоиз 43 киши;

б) таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун 36,7 фоиз - 55 киши;

в) муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун 15,3 фоиз 23 киши;

г) ногиронлар учун 4 фоиз - 6 киши;

д) Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенция ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 2 фоиз - 3 киши;

е) Жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 12 фоиз - 18 киши;

ё) одам савдосидан жабрланганларни иш билан таъминлаш учун 1.3 фойз - 2 киши миқдорида иш ўринлар захираси белгилансин.

2. Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича махсус комиссия таркиби 1-иловага, туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2019 йил учун қилиб қўйиш лозим бўлган корхоналар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2018 йил тугашидан 10 кун олдин, квота иш ўринлари жами миқдорининг камида 25 фоизи учун 2019 йил 10 апрелидан кечиктирмасдан иш ўринларининг қолган 75 фоизини ташкил этиш (ажратиш ёки банд этиб қўйиш) ҳақидаги яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд этиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар кўрсатилган маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман бандликка кўмаклашиш марказига тақдим қилиш вазифалари юклатилсин.

4. Корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг кўрсатиб ўтилган миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда кийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларида рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 5 декабрь кунги 965-сонли қарорига мувофиқ белгиланган муддатларда ва белгиланган тартибда яратилишини (ажратилиши ёки банд этиб қўйилиши) ҳамда иш ўринлари санитария гигиена нормаларига ва ишчи ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажарилишини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши таъминлансин.

5. Ушбу қарор бажарилиши таъминланмаган тақдирда корхона, ташкилот муассаса ва хўжаликларнинг мансабдор шахсларига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларида рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 21-22-бандларига мувофиқ жарима солиниб ва шу бандлар асосида ишлар олиб борилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларида рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 5 декабрь кунги 965-сонли қарорига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд этиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этилган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида бандликка кўмаклашиш маркази жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканлиги ҳисобга олинсин.

7. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (М.Бекчанов) ушбу қарорни тегишли корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар раҳбарларига етказсин ва бажарилиши устидан қатъий назорат қилишни таъминласин.

8. “Тўрткўлнома” газетасида ёритилган Тўрткўл тумани ҳокимининг 2018 йил 15 январдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд килиб қўйиш тўғрисида”ги 66-сонли қарори 2018 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор “Тўрткўлнома” газетасида ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ёритилсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Шамуратов зиммасига юклатилсин.

Тўрткўл тумани ҳокими: **Н.Худайбергенов**

TO'RTKO'L TUMANI HOKIMLIGI
ASLIGA TO'G'RI
Imzo

Тўрткўл тумани ҳокимининг
2018 йил "13" 10
1418-сонли қарорига
1-илова

Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича ишчи гуруҳ таркиби

1. Шамуратов Р.	- Туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари
2. Х.Ибадуллаева	- Туман ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, ишчи гуруҳи
3. М.Бекчанов	- Туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори, ишчи гуруҳ котиби

АЪЗОЛАРИ:

4. Б.Сапаев	- "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси в.в.б
5. П.Худайбергенов	- Туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори
6. З.И.Заитов	- Туман ички ишлар бўлими бошлиғи
7. К.Шириев	- Туман ижтимоий кўникма маркази бош мутахассиси
8. Н.Абаев	- "Тўрткўл оқ олтини" АЖ раиси
9. Ш.Сабуров	- Туман тадбиркорликка кўмаклашиш маркази директори

Тўрткўл туманн хокимининг
2018 йил "13" 10
1478 - сонли қарорига
2-илова

Тўрткўл туманида ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ўринларнинг 2019 йил учун банд килиб қўйиш лозим бўлган корхоналар рўйхати

№	Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар рўйхати (корхона ва ташкилотларнинг номи)	Штат жадвали бўйича ходимларининг умумий сони	Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони	шу жумладан:						
				14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Умумий ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Сафарбарлик чақирик захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан мудлатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Пенсия олди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони
1	Ободонлаштириш бошқармаси	176	12	0	0	2	0	1	8	2
2	Тўрткўл оқ олтини АЖ	390	16	5	0	2	3	2	3	1
3	Тўрткўл ўрмон хўжалиги	44	3	0	0	1	0	0	2	0
4	Шароб савдо базаси МЧЖ	30	2	1	0	1	0	0	0	0

5	Гўрткўл йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси	88	5	2	0	1	0	0	2	0
6	Гўрткўл Баракат МЧЖ	191	3	2	0	0	0	0	1	0
7	Гўрткўл савдо комплиекси МЧЖ	36	2	1	1	0	0	0	0	0
8	Гўрткўл эл ризки бозори МЧЖ	20	1	0	0	0	1	0	0	0
9	Гўрткўл дон махсулотлари МЧЖ	106	9	2	3	2	0	0	2	0
10	Гўрткўл тиббиёт бирлашмаси	1627	35	15	18	0	2	0	0	0
11	1-сон мактаб	104	1	0	1	0	0	0	0	0
12	2-сон мактаб	77	1	0	1	0	0	0	0	0
13	3-сон мактаб	57	1	0	0	1	0	0	0	0
14	4-сон мактаб	60	1	0	1	0	0	0	0	0
15	5-сон мактаб	120	2	1	0	1	0	0	0	0
16	6-сон мактаб	70	1	0	1	0	0	0	0	0
17	7-сон мактаб	63	1	0	1	0	0	0	0	0
18	8-сон мактаб	63	2	1	1	0	0	0	0	0
19	9-сон мактаб	93	1	0	1	0	0	0	0	0
20	11-сон мактаб	84	2	1	0	1	0	0	0	0
21	12-сон мактаб	70	2	1	1	0	0	0	0	0
22	13-сон мактаб	61	2	1	0	1	0	0	0	0
23	14-сон мактаб	80	1	0	1	0	0	0	0	0
24	16-сон мактаб	64	2	1	0	1	0	0	0	0
25	18-сон мактаб	80	2	1	1	0	0	0	0	0
26	19-сон мактаб	54	1	0	0	1	0	0	0	0
27	20-сон мактаб	43	2	1	0	1	0	0	0	0
28	24-сон мактаб	38	1	0	1	0	0	0	0	0

29	25-сон мактаб	30	1	0	1	0	0	0	0	0
30	26-сон мактаб	54	1	0	1	0	0	0	0	0
31	27-сон мактаб	42	1	1	0	0	0	0	0	0
32	28-сон мактаб	27	1	0	1	0	0	0	0	0
33	29-сон мактаб	54	1	0	1	0	0	0	0	0
34	30-сон мактаб	150	1	1	0	0	0	0	0	0
35	31-сон мактаб	41	2	1	0	1	0	0	0	0
36	32-сон мактаб	63	2	1	1	0	0	0	0	0
37	33-сон мактаб	39	1	0	1	0	0	0	0	0
38	34-сон мактаб	32	1	0	1	0	0	0	0	0
39	35-сон мактаб	52	1	0	1	0	0	0	0	0
40	36-сон мактаб	47	1	0	1	0	0	0	0	0
41	39-сон мактаб	69	1	0	1	0	0	0	0	0
42	40-сон мактаб	49	1	0	0	1	0	0	0	0
43	41-сон мактаб	27	1	0	1	0	0	0	0	0
44	42-сон мактаб	46	1	0	1	0	0	0	0	0
45	43-сон мактаб	55	2	1	0	1	0	0	0	0
46	44-сон мактаб	40	1	0	1	0	0	0	0	0
47	45-сон мактаб	107	2	1	1	0	0	0	0	0
48	46-сон мактаб	37	1	0	0	1	0	0	0	0
49	47-сон мактаб	40	1	0	1	0	0	0	0	0
50	48-сон мактаб	39	1	0	1	0	0	0	0	0
51	49-сон мактаб	23	1	0	1	0	0	0	0	0
52	50-сон мактаб	40	1	0	0	1	0	0	0	0

53	55-сон мактаб	28	1	0	1	0	0	0	0	0
54	56-сон мактаб	31	1	0	1	0	0	0	0	0
55	58-сон мактаб	26	1	0	1	0	0	0	0	0
56	59-сон мактаб	38	1	0	0	1	0	0	0	0
57	62-сон мактаб	63	2	1	1	0	0	0	0	0
58	63-сон мактаб	38	1	0	0	1	0	0	0	0
59	64-сон мактаб	28	1	0	1	0	0	0	0	0
жами		5444	150	43	55	23	6	3	18	2